

Республика ташкилий  
кўмитаси мажлисининг  
2019 йил 5 апрелдаги баёнига  
илова

## **“Ёш китобхон” Республика танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом ёшлар ўртасида “Ёш китобхон” Республика танловини (кейинги ўринларда – Танлов деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Танлов ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган устувор вазифаларни изчил амалга оширишга йўналтирилган.

3. Танловни юқори савияда ўтказиш учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълими ва Халқ таълими вазирликлари ташкилий-амалий ишлар бўйича, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-ижодий ишлар бўйича масъул ташкилотлар этиб белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва тилидан қатъий назар 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган барча ёшлар Танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Иштирокчилар талабидан келиб чиқиб, уларнинг Танлов жараёнида рус ва қорақалпоқ тилларидан фойдаланишига рухсат берилади.

5. Ташкилий қўмита Танлов низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколатига эга.

### **II. Танловнинг мақсад ва вазифалари**

6. Қадимий ва бетакрор диёrimиздан етишиб чиқсан буюк аллома, адаб ва мутафаккирларимизнинг бой маънавий меросини, умумбашарий цивилизация, маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ аждодларимизнинг ноёб асарларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга безавол ётказиш, уларнинг нодир меросини, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чукур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш мақсадида ташкил этилади.

7. Танловни ташкил этиш орқали қуидаги вазифалар бажарилиши кўзда тутилади:

ёшларнинг барча қатламларини китоб ўқишига даъват этиш ҳамда китоб ўқишига бўлган қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, жойларда адабий муҳит шаклланишига эришиш;

ёшлар онгидаги Ватанимиз тарихи, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги түшүнчә ва билим-күникмаларини янада юксалтириш;

қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиқкан буюк аллома, адаб ва мутафаккирларимизнинг бой маңнавий меросини, умумбашарий цивилизация, маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан хисса қўшган улуг аждодларимизнинг ноёб асарларини асрар-авайлаш;

ёшларни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш.

### **III. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, баҳолаш мезонлари**

8. Танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш вазифаси Республика ишчи гуруҳи зыммасига юклатилади.

Республика ишчи гуруҳи:

Танловни ўтказиш борасида қарор қабул қиласди;

Танловнинг асосий босқичлари ва тартиб-қоидалари ҳақида иштирокчиларни хабардор қиласди;

барча иштирокчилар учун тенг шароитларни яратади;

танлов ўтказиш борасида ошкораликни таъминлайди;

муддатидан олдин Танлов натижалари ҳақида маълумотлар тарқалишининг олдини олиш чораларини қўради;

Танлов иштирокчилари ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал этади;

мазкур Низомга асосланган ҳолда Танловни ўтказилишини ташкил этади.

9. Танловда иштирок этишни хоҳловчи ёшлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таълим муассасаларида бошланғич ташкилотлари ёки маҳаллий Кенгашларига ариза билан мурожаат қилиб, ўзи ҳақидаги тегишли маълумотлар (танлов анкетаси, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт нусхалари)ни тақдим этади.

10. Танловда ёшлар ўзлари яшаётган ёки ўзлари ўқиётган (ишлаётган) муассасаси жойлашган худуддан иштирок этади.

11. Танлов қуйидаги учта ёш тоифаси бўйича алоҳида-алоҳида тартибда ўтказилади:

10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ёшлар;

15 ёшдан 19 ёшгача бўлган ёшлар;

20 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар.

Танловда иштирокчиларнинг ёши ариза топширган сана бўйича инобатга олинади.

12. Танлов тўрт босқичда ташкил этилади.

**Биринчи босқич** танловнинг аризалар қабул қилиш ва саралаш босқичи бўлиб, унда танловда иштирок этиш истагини билдирган ёшлардан аризалар қабул қилинади ва иштирокчилар тест синови асосида сараланади.

Аризалар ҳар йили 15 май кунига қадар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда туман (шахар) Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Тест синови ҳар йили май ойида ўтказилади. Унда ариза топширган ёшлар адабиётлар рўйхати асосида ўзбек ва жаҳон адабиётига, буюк адиларимиз ҳаёти ва ижодига оид 50 та тест саволларига жавоб беришади.

Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 баллдан белгиланади.

Тест натижалариға кўра 86 ва ундан юқори балл тўплаган 15 нафар (15 нафардан кўп иштирокчилар ўртасида қайта тест олиш орқали сараланади) иштирокчилар кейинги (иккинчи) босқичда иштирок этиш ҳукуқини қўлга киритади.

**Иккинчи босқич** танловнинг маҳаллий босқичи бўлиб, ҳар йили июнь ойида барча туман, шаҳарлар миқёсида саралаш босқичида 86 ва ундан юқори баллни қўлга киритган иштирокчилар ўртасида қуйидаги шартлар асосида ўтказилади:

### **“Ўзбек адабиёти билимдони” шарти.**

Ушбу шартда Республика ишчи гурухи томонидан тавсия этилган ўзбек адабиётига оид китобларнинг мазмун-моҳияти, ғояси ва аҳамиятини иштирокчилардан шарҳлаб бериш сўралади. Шарҳлаш жараёнида иштирокчи билимини текшириш мақсадида Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Иштирокчилар бадиий асар номини билет тортиш орқали танлайди, тайёргарлик кўриш учун 1 дақиқа, жавоб бериш учун 3 дақиқа вақт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади.

### **“Жаҳон адабиёти билимдони” шарти.**

Ушбу шартда Республика ишчи гурухи томонидан тавсия этилган жаҳон адабиётига оид китобларнинг мазмун-моҳияти, ғояси ва аҳамияти тўғрисида иштирокчилардан шарҳлаб бериш сўралади. Шарҳлаш жараёнида иштирокчи билимини текшириш мақсадида Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Иштирокчилар китоб номини билет тортиш орқали танлайди, тайёргарлик кўриш учун 1 дақиқа, жавоб бериш учун 3 дақиқа вақт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади.

Ҳар бир ёш тоифаси бўйича ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар (жами 3 нафар) ҳудудий босқичга йўлланма олади.

**Учинчи босқич** танловнинг ҳудудий (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар) босқичи бўлиб, ҳар йили август-сентябрь ойларида қуйидаги 2 та шарт асосида телетанлов шаклида ўтказилади.

### **“Буюк мутафаккир ва адаб” шарти.**

Ушбу шартда Экспертлар комиссияси томонидан тавсия этилган улуғ алломалар, ўзбек ва жаҳон адабиёти намоёндалари ҳақида маълумот беришлари сўралади, иштирокчининг билимини текшириш мақсадида Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Иштирокчилар улуғ алломалар, ўзбек ва жаҳон адабиёти намоёндалари номини билет тортиш орқали танлайди, тайёргарлик кўриш учун 1 дақиқа, жавоб бериш учун 2 дақиқа вақт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади.

## **“Бадиий асарлар билимдони” шарти.**

Ушбу шартда бирор асардаги сюжетта оид эпизод санъаткорлар томонидан ўқиб эшигтирилади. Иштирокчидан ушбу асар номини топиши ҳамда унинг мазмун-моҳияти, ғояси ва аҳамияти тўғрисида шарҳлаб бериши сўралади. Шарҳлаш жараёнида иштирокчининг билимини текшириш мақсадида Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Тайёргарлик кўриш учун 1 дақиқа, жавоб бериш учун 2 дақиқа вақт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади. Асар номи тўғри топилганда 50 балл қўйилади (топилмаса 0 балл) ҳамда иштирокчига асар номини топаолмаса ҳам шарҳлаш имконияти берилади ва 50 баллгача баҳоланади.

Ҳар бир ёш тоифаси бўйича ғолибликни қўлга киритган 1 нафардан (жами 3 нафар) иштирокчилар Республика босқичига йўлланма олади.

**Тўртинчи босқич** танловнинг Республика босқичи бўлиб, ҳар йили ноябрь-декабрь ойлари давомида “Mening yurtim” телеканали орқали (танлов яқунлангач “Ёшлар” телеканали орқали эфизга узатилади) телетанлов шаклида, куйидаги 4 та шарт асосида ўтказилади:

### **1-шарт. “Ўзбек адабиёти билимдони” шарти.**

Ушбу шартда Республика ишчи гуруҳи томонидан тавсия этилган бадиий асарларнинг мазмун-моҳияти, ғояси ва аҳамиятини иштирокчилардан шарҳлаб бериш сўралади. Шарҳлаш жараёнида иштирокчининг билимини текшириш мақсадида Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Иштирокчилар бадиий асар номини билет тортиш орқали танлайди, тайёргарлик кўриш учун 1 дақиқа, жавоб бериш учун 3 дақиқа вақт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади.

### **2-шарт. “Жаҳон адабиёти билимдони”.**

Актёрлар томонидан бирор асардаги сюжетта оид эпизод ўқиб эшигтириллади.

Иштирокчидан ушбу асар номини айтиши ҳамда унинг мазмун-моҳияти, ғояси ва аҳамияти тўғрисида шарҳлаб бериши сўралади. Шарҳлаш жараёнида иштирокчи билимини текшириш мақсадида Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Тайёргарлик кўриш учун 1 дақиқа, жавоб бериш учун 2 дақиқа вақт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади. Асар номи тўғри топилганда 50 балл қўйилади (топилмаса 0 балл) ҳамда иштирокчига асар номини топаолмаса ҳам шарҳлаш имконияти берилади ва 50 баллгача баҳоланади.

### **3-шарт. “Шеърият”.**

Ушбу шартда иштирокчилар Экспертлар комиссияси томонидан тавсия этилган шеърий парчани давом эттириши ҳамда мазмун-моҳиятини шарҳлаб бериши сўралади.

Иштирокчиларга тайёргарлик кўриш учун 1 дақиқа, жавоб бериш учун 2 дақиқа вақт белгиланади. Мазкур шарт учун 100 баллгача баҳо берилади.

Шеърий парчани топгани учун 50 балл (акс ҳолда 0 балл), ҳамда иштирокчига шеърий парчани топаолмаса ҳам шарҳлаш имконияти берилади ва 50 баллгача баҳоланади.

#### **4-шарт. “Буюк мутафаккир ва адиб”.**

Ушбу шартда иштирокчилар 2 тагача улуғ алломалар, ўзбек ва жаҳон адабиёти намоёндалари номини билет тортиш орқали танлайди, тайёргарлик кўриш учун 1 дақиқа, жавоб бериш учун 2 дақиқа вақт белгиланади.

Иштирокчилардан улуғ алломалар, ўзбек ва жаҳон адабиёти намоёндалари ҳаёти, фаолияти ва ижоди ҳақида маълумот беришлари сўралади. Иштирокчининг билимини текшириш мақсадида Ҳакамлар ҳайъати томонидан қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Ҳар бир улуғ алломалар, ўзбек ва жаҳон адабиёти намоёндалари тўғрисида маълумот берганлик учун 50 баллгача баҳо берилади.

13. Танловнинг маҳаллий, ҳудудий ва республика босқичлари бўлиб ўтадиган жойи, санаси Республика ишчи гуруҳи томонидан белгиланади ҳамда 3 кун олдин иштирокчиларга маълум қилинади.

14. Танловлар жараёнида фойдаланиладиган саволлар ва тестлар мажмуаси Республика ишчи гуруҳи томонидан танловнинг барча босқичлари учун алоҳида алоҳида тузилади, маҳсус конвертларга солиниб, муҳрланади ҳамда жойларга етказилади.

15. Танловнинг ҳудудий ва республика босқичларида юқоридаги шартлар мавзуси сақланган ҳолда, шартлар мазмуни ва тартиби телетанловга мослаштирилган шаклда ўтказилиши мумкин.

Танлов шартларидаги ўзгаришлар бўйича иштирокчилар беллашувдан камида 3 кун олдин хабардор қилинади.

16. Танловнинг ҳар бир босқичида шоир-ёзувчилар, ўқитувчилар, журналистлар ва бошқа мутахассислардан иборат Ҳакамлар ҳайъатлари тузилади.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларни баҳолашда уларнинг белгиланган китобларни ўқиганини текширади ҳамда моҳиятини тўғри тушунгани ва ифода этиб бера олиш қобилиятига қараб баҳолайди.

17. Танловнинг маҳаллий босқичи ўтадиган кундан камида бир ой олдин белгиланган китоблар рўйхати эълон қилинади ҳамда китоблар рўйхатини тузишида иштирокчиларнинг ёш тоифаси инобатга олинади.

18. Барча шартлар бўйича умумий баллар қўшиб ҳисобланганда энг юқори кўрсаткичга эришган иштирокчи танловнинг ғолиби деб топилади. Агар иштирокчилар ўртасида умумий тўпланган баллар teng келиб қолган тақдирда, I, II ва III ўринларни тақсимлаш Ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан ҳал этилади. Бунда баллари teng келиб қолган иштирокчиларга қўшимча 5 тадан тест саволлари берилади. Шундан сўнг ҳам уларнинг жавоблари бир хил чиқса, бу жараён ғолиб аниқлангунга қадар давом этади.

Шунингдек, буюк аллома, адаб ва мутафаккирларимиз меросини чуқур ўрганиш мақсадида ҳамда уларнинг юбилей саналари муносабати билан ҳамкор ташкилотлар томонидан муайян йўналишларда қўшимча номинациялар таъсис этилиши мумкин. Қўшимча номинациялар ҳақида маълумот ҳар йилги танловлар эълонида маълум қилинади.

19. Ҳакамлар ҳайъати томонидан қабул қилинган қарорга нисбатан қарор нусхаси берилган санадан бошлаб 3 кунлик муддат ичida манфаатдор шахс Республика ишчи гуруҳига апелляция тартибида шикоят киритиш хуқуқига эга.

20. Республика ишчи гурухи 10 қунлик муддат ичидаги мурожаатни кўриб чиқиб, куйидаги қарорлардан бирини қабул қиласди ва қарор нусхасини мурожаат қилган шахсга юборади:

шикоятни қаноатлантиришни рад этиб, Ҳакамлар ҳайъатининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш;

шикоятни қаноатлантириб, Ҳакамлар ҳайъати қарорини қисман ёки бутунлай бекор қилиб, янги қарор қабул қилиш.

21. Республика ишчи гурухи апелляция тартибида шикоятни кўриб чиқиши баённома билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Ғолибларни тақдирлаш**

22. Танлов ғолиблари қўйидаги тартибида тақдирланади:

Танловнинг маҳаллий босқичи ғолиблари:

учта тоифада 1-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан иборат (40 та) китоблар жамланмаси, диплом ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичига йўлланма билан;

учта тоифада 2-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан иборат (30 та) китоблар жамланмаси диплом билан;

учта тоифада 3-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан иборат (20 та) китоблар жамланмаси ва диплом билан тақдирланади.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари:

учта тоифада 1-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан иборат (70 та) китоблар жамланмаси, диплом ва танловнинг республика босқичига йўлланма билан;

учта тоифада 2-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан иборат (60 та) китоблар жамланмаси ва диплом билан;

учта тоифада 3-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан иборат (50 та) китоблар жамланмаси ва диплом билан тақдирланади.

Танловнинг Республика босқичи ғолиблари:

учта тоифада 1-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири “Президент совғаси” енгил автомобиль, диплом ва “Ёш китобхон” статуэткаси билан;

учта тоифада 2-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири компьютер жамланмаси (моноблок), ҳар бири ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан иборат (100 та) китоблар жамланмаси, принтер (1x3), диплом ва “Ёш китобхон” статуэткаси билан;

учта тоифада 3-ўринни эгаллаган иштирокчиларнинг ҳар бири ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан иборат (100 та) китоблар жамланмаси, диплом ва “Ёш китобхон” статуэткаси билан;

қолган барча республика босқичи иштирокчиларининг ҳар бири ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларидан иборат (20 та) китоблар жамланмаси ва сертификат билан тақдирланади.

#### **V. Танловнинг молиялаштириш манбалари**

23. Танловни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар қуидаги манбалар хисобидан:

Ўзбекистон ёшлиар иттифоқини ривожлантириш жамғармаси маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан молиялаштирилади.